



Маълумки, жамиятларнинг маънавий янгиланиши жараёнида адабиётнинг ахамияти катта. Шу маънода ҳозирги замон ўзбек адабиётининг энг ечимталаб муаммоларига алоҳида эътибор қаратмоқ мақсадга мувофиқдир.

Миллий сўз санъати қандай қолип, андоза ва қоидалардан қутулмоғи керак эди? Истиклол йилларида у бундай покланиш муддаосига қанчалик даражада эришди? Айни йўналишда унинг яна қандай долзарб вазифалари мавжуд? Ҳеч қимга сир эмаски, адабиётимиз собиқ тузум шароитида бошқа ватандош миллий адабиётлар сингари маълум ютуқлар қаторида кўп юткизикларни ҳам ўз бошидан кечирди. Айниқса, 30-йиллардан бошлаб расмий, сиёсий тус олган «социалистик реализм» ижодий методи адабиёт фаолиятини қатъий белгиланган қоидаларга бўйсундириб қўйди. Сиртдан



караганда, бу йўл-йўрик ижодкорнинг эркини чеклаб ва бўғиб қўймайдигандек кўринади. Аммо унинг коидалари мохияти умуминсоний кадриятларга, ижоднинг табиий конуниятларига бир кадар зид эди. Номии англатиб турганидек, социалистик реализм хаётни инъикос этиш санъатининг «социалистик» кўринишинигина тан олди. Турмушни хамма вақт инкилобий тараккиётда, социалистик идеалларнинг голиблиги негизида кўрсатишни вазифа қилиб қўйди. Бошқача ижтимоий-сиёсий тузумдаги мамлакатлар йўлини, жумладан, улар маданияти ва санъати намуналарини кўпинча холис эътироф этмади.

Оқибатда катор беш йилликлар мобайнида адабиёт зугумкор мафкуранинг дастагига айланиб қолди. Узок вақт ўзининг асл илдизларидан, усул-услугларидан йироқлашиб, шўро давлатининг адабиёти сифатида ривожланди. У ўз кадимидан, хусусан, ўзининг маданий-маърифий тарихидаги анъаналардан анча узилиб ижод қилди.

Мустабид тузумда ҳар қандай воқеа-ҳодисага инкилобий манфаат, синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан қаралар эди. Бу эса факат мавжуд жамиятнинг тутган йўлинигина тан олишдек омонат қўникмани пайдо қилди. Адабиёт тузумни мадҳ этишни асосий гоъвий-бадиий мақсад даражасига қўтарди. Мафкуранинг қизган қизигидан сира қика олмади, тасвирида даҳриёна қарашлар устиворлик қилди. Адабиётда турмушни асосан оқ ва қора бўёқларга ажратиб ифодалаш, ўтмиш билан социалистик воқелиқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мотивлари, яъни бирёқламалиқ жуда узок давом этди. Бундай иллатлар ҳар ижодда ҳар хил маромда намоён бўлса-да, бир қатор умумий салбий оқибатларга олиб қелди. Назмда, насрда, драматургияда маҳсус дохийномалар, сохта асарлар яратиш одати авж олди. Ёмон томони шундаки, маълум даражада олис қелажакни қўришга ҳам масъул бўлган сўз санъати ақсарият ҳолларда дунёни тор ва маҳдуд дунёқараш билан қузатди. ўткинчи гоъвий талабларни бирламчи мақсад билганликлари сабабли қўп адибларимиз борлиқни фалсафий идрок этишдан, хаётни рўй-рост ақс эттиришдан, бадииятни муқаммалаштиришдан узокда бўлдилар. ўта ижтимоий, мажбурий ва юқумли экани боис мазкур иллатлар ўша даврнинг ҳеч қайси авлод қаламқашини бетараф қолдиргани йўқ. Ақримиз қарийб 90-йилларни қоралагунга қадар қатъий қолип ва қечловчи қоидаларга деярли путур етмади. Мустақиллик шарофати туфайли талай ҳато тасаввурларга, бадиий ижодиёт қамчилиқларига барҳам берилди. Баъзи адиблар маиший ва ижодий фаолиятда адашиб қелганини, қандайдир ўткинчи мавзуларга беҳуда берилганини, ҳақ йўлни илғай олмаганини тушуниб етдилар. Албатта, эндиликда тарихимизнинг бир қисмига айланган адабий қечмиш бирёқлама ва пала-партиш танқидга эмас, балки фалсафий муҳоқама воситасида ҳосил қилинажак ҳуқм-ҳулосаларга ҳақли ҳамда муносибдир. Шундай муносабатгина ўтмиш тажрибасидан ҳозирги маънавият учун фойдали сабоқлар қикармоғимизга, истиклол даври адабиётининг афзал имқонларини, муҳим вазифаларини аниқлашимизга ёрдам беради. ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлнинг яхши натижаларини ҳам унутиб қўймаслиғимиз, шаклланган самарали анъаналарни давом этдирмоғимиз зарур. Қолаверса, миллий сўз санъатида собиқ муҳитнинг тазйиқлари билан қикиша олмай яшаган, ижодга юқланмиш зўрақи шартларга томон оғиб қетмаган ёзувчи ва шоирлар йўқ эмас. Қодирий, Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Қўлпон, Беҳбудий сингари алломалар асарлари қўп жихатдан ибратли. Улар миллат мустақиллигини, туркий халқнинг жипслигини, авлоднинг илму маърифат ва қучли салоҳият билан жаҳоний микёсларга қўтарилишини орзу қилганлар. Тор миллий қобикда, жоҳилият ичида қолиб қетиш ҳавфидан оғохлантирувчи асарлар ёзганлар. «Бизнинг бахтсизлиғимиз нодонлиғимизда, ҳалос, - дейди Қўлпоннинг «Қеча ва қундуз»



романи кахрамони, - Миллат уйгонсин, кўзини очсин, билим олсин, маданий миллатлар каторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини куради... Миллат фарзандларини Германия, Франция, Англия мамлакатларига, хатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўкитиш керак...»

Бугунги кунда собик тузум адабиётига қай йўсин муносабатларда бўлмок масаласи гоёта муҳимдир. Эхтиросларга каттик берилиш натижасида баъзан хаддан зиёд кескин танқид ва инкорларнинг содир бўлганлиги сир эмас. Бизнингча, бу борада ҳолис ва самимий, фалсафий-эстетик илмий кузатишлар жоиз. Ҳар қандай индивидуал ижод ва унинг намуналари алоҳида адабий, танқидий таҳлил ҳамда талқинни такозо этиши маълум. Оқилона, ҳолисона назарий-методологик қарашларгина адабиёт тарихини адолатли баҳоловчи умумлашма ҳукм-хулосаларга олиб келади. Шу йўл билан яқин ўтмишимизда бунёд бўлган бадий асарларни ҳозирги авлодларга бутун ҳаққониятига кўра тақдим этган бўламиз. Улардан бахрамандлик мезонларини беҳато белгилашга эриша оламиз.

Ҳозирги давр адабиёт тақдирида қандай ўзгариш ва янгиликлар учун имконият яратди? Маънавий покланиш жараёнида миллий сўз санъатининг мавқеи нечоғлик? Замонавий адабиёт масалаларини шу йўналишда ўрганмокка илмий-назарий асослар мавжуд. Негаки, даврнинг чинакам аҳамиятини, кадр-кимматини ҳис этмай туриб, истикболга тўғри элтувчи вазифаларни аниқ фахмлаб бўлмайди. Янги даврнинг тарихий роли адабиёт устидан мафкура ҳукмронлигига чек қўйишдагина эмас. У қадимий эзгу адабий қадриятларни тиклаш учун, ноҳақ ман этилган ижодлар ва асарларни халққа етказмок учун ҳам шароитни вужудга келтирди.

Барча соҳалар қаби миллий адабиётда эркин янгилашиш имкониятлари вужудга келди. Адабий ислохга интилиш илгарилари ҳам маълум даражада рўй берган бўлса-да, кейинги йилларда бу жараён ўзгача мазмун ва аҳамият касб этди. Ислох адабий ижод учун диалектик заруриятдир, бадий тафаккур тараккиётининг муҳим шартидир. Чин истеъдод эгалари ҳамиша эркин ижодий муҳитни, миллий санъатнинг умуминсоний равангини орзулашган. Ҳозирги адабиётимиз ислохоти тозариш, тузалиш, ўнглишиш маъноларинигина эмас, ҳақгўйлашиш ва юксалиш умидини ҳам ифодалайди.

Янгича поэтик изланишларнинг аломатлари аввало ижодкорларнинг ҳурриятни шодон қаршилашида, кўтаринки қайфият зохир этишларида кўринди. Шоирлар руҳиятларнинг покланув фаслига, озод тараккий даврига кирганидан мамнун дарак берди. Бири: «Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги» деса, бошқаси: «Хабар бергин, кўнглим, фалакка — Мен янгича яшай бошладим» дея шодланди. Муайян адабий орзулар рўёбини таъмин этган замондан миннатдорлик туйғуси йирик эпик асарларда ҳам кўзга ташланди. Тохир Малик «Шайтанат» қиссасининг муқаддимасида шундай ёзади: «Хаёт турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга қувват бергувчи чиройли ранглар ҳам, кўнгилни вайрон қилгувчи қора ранг ҳам бор. Авваллари қора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Қоранинг ёнида албатта оқ, пушти, зангори... ранглар бўлиши шарт эди. Замона берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора қўчаларига қиришга жазм этдим...»

Миллий истиклол мавзусини ўзбек адабиёти илгари кўп ёритган. Аср бошларида яшаган жаҳидчилар ижодида бу тушунча улугвор бир мақсад ва қурашчан бир гоё эканлиги билан характерланади. Ҳар даврнинг адабиёт зиммасига қандайдир тўғри талаблар юклашини ҳудди шу мавзу тадрижида ҳам кўриш мумкин. Истиклолнинг бадий талқини ҳозирги ўзбек фасоҳатида 20-йиллардагидек қийинчилик билан ёки зўрма-зўраки пайдо



бўлгани йўқ. Бу — миллат ижод ахлининг ихтиёрий хайрихоҳлиги, рағбат-мухаббатлари натижаси бўлди. Давр тақозоларини адашмай, айнан мўлжалга олмок ҳар доим истеъдод соҳибининг виждон амрига, ақл-заковатига боғлиқдир.

Ботил эътиқод ҳукмронлик қилган иттифок муҳитида шеърятдаги ожизона услуга — маддоҳликка доимий сиёсий мажбуриятлар сабаб бўлган эди. Истиклол тараннумига оид бугунги аксар асарларда курук мактовлардан асранишга ҳаракат англаниб туради. Энди кўп ижодкорлар ялтирок кофия ва сохта гап билан нафосат шайдоларини алдаб бўлмаслигини билишади. «Энди майли, эй, халким, Кулок осма сўзимга, Аммо Истиклол ҳақки Боғлик факат ўзингга!» деб ёзади шоир Азим Суюн. ўнлаб шеърларда хуррият неъматини эъзозлаш, унга камарбаста бўлиш, миллатлараро ҳамдўстлик, жаҳон микёсига чиқиш гоёлари ёқимли қуйланади.

Ниятларнинг қамоли ва ижобати шубҳасиз илм-маърифатга, иймон-диёнатга, ҳуллас, маънавий юксалишга боғлиқ. Эътиқоди барқарор, халқлари аҳил Ватандан файз-баракот аримайди. Бундай шароитда инсон омили ўзини бунёдкор ҳис қилади, яратувчилик иштиёқи билан яшайди. Истиклол таровати миллий шеърятни шу қаби янгича нуктаи назарлар билан бойитди. Шунингдек, Ватан тавсифига бағишланган асарларда туркий халқларнинг қон-қардошлиги, ҳамкор-ҳамкадамлиги етакчи гоёлардан бирига айланди.

Ўзбек фасохатида давр шарофати туфайли рўёбга чиққан янгича мавзулар, ўзига ҳос ифодалар, гоёвий-бадий услуллар кўлами қенг. Ўзгаришни турли адабий жанрлар ичида қузатиш ва диққатга сазовор мисолларга дуч келиш мумкин. Қандай ният ва қамров билан ўрганилганда ҳам, адабиётимизнинг талай ҳато қоидалардан тузалганлигига, жоғзадор асарлар яратишга интилаётганига ишонч пайдо бўлади. Бироқ булар авлоднинг маънавий қамолотига масъул бу соҳадан тўла қаноатланиш ҳиссини ҳосил қилмайди. Қаршимизда талай вазифалар, муаммолар қўндаланг турганлиги аён бўлади. Бугунги ўзбек адабиёти, адабий-назарий таълимот, тарғибот жаҳонлари қандай муҳим масалалар ечимига эътибор қаратмоғи лозим? Шу нуктаи назардан масаланинг айрим жиҳатларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир:

- Миллий воқелик «муҳри»сиз адабиётдаги ҳеч бир доимий мавзу ўзининг бадий ифодасига эга бўла олмади. Муваффақиятнинг дастлабки омили жамиятнинг илғор тафаккурига адабиётнинг қанчалик уйғунлигидандир. Равшан миллий ҳақиқатларни, маънавий-танқидий хилма-хил муаммо ва манзараларини умуминсоний пафосларда ақс эттирувчи бадий намуналар қам. Қатор ёзувчилар ҳамон майда ва ноқерак, саёз ва тақрорий ифодалар доирасида ўралашиб қолаётирлар. Айниқса ҳозирги пайтда кўп асарлар шоша-шошарлик билан эълон қилинмоқда. Асарларни экранлаштириш, намойиш қилишга интилиш жараёни ҳам шу тариқа кечаётир. Баъзи ижодларда хорижий адабиётларга тақлид қўйилган. Бу қаби қамчиликларни ҳатто оддий қитобхонлар осонгина фаҳмлашмоқда. Айни ҳолатлар бир тарафдан муҳокамаларнинг йўқлигидандир. Дид-тасаввурни хиралаштирувчи, тор-сиқик мушоҳадага қўниқтирувчи ва қишига маънавий янгилик бермайдиган асарлар сўз санъатини юзаки тушунишга ўргатиб қўяди. Ёзувчилар уюшмаси қизгин баҳслар ва муҳокамалар ташкил этиши, долзарб масалаларга доир адабий-танқидий чиқишларни ривожлантириши зарур.

- Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг замонавий адабиёт борасидаги фаолияти жуда суст. Уларда тор фикрлаш, бирёқлама баҳолаш, эски ёки номуҳим масалалар атрофида мунозара қўзғаш ҳолатлари кўп учрайди. Адабиётнинг гоёвийлик даражасини тамоман инкор этиш, унинг санъат эканлигининг тан олиш ёхуд давр



талабларига мэнсимай карашлик сингари кайфиятлар олдинги асрларда ҳам бўлган. Лекин ҳеч қачон ўзини окламаган. Бизнингча, адабиёт илми соҳанинг юксалишига яқиндан кўмак берадиган чуқур назарий, методологик муаммоларга жиддий эътибор қаратиши керак. Дарҳақиқат, миллий сўз санъатининг янгилиниш жараёни ҳам, авлодларнинг маънавий баркамоллиги учун ҳаракат жараёни ҳам хилма-хил теран тадқиқотлар оқимида тақозо этади.

- Бадиий адабиёт нечоғлик санъат саналмасин, инсонга қанчалик завқ-шавқ улашмасин, у ҳамиша ахлокий тарбия воситаси ҳамдир. Чўлпоннинг «Адабиёт надири?» мақоласидаги таърифни эслайлик: «Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, мажруҳ ярадор кўнғилга рух бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар синғишган қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак қирларини ювадурган тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, қанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артув тозалайдурган булоқ суви бўлганликдан бизга қоят қарқур».

Таассуфки, бу ёрқин ҳақиқатни барча ижодқорлар ҳам етарли идрок этавермайдилар. Натижада хилма-хил саъз, ноҳўя тасвирлар пайдо бўлади. Мумтоз шеърият ишқ-муҳаббат бобида ибратли анъаналарга эга бўлган. Масалан, унда ишқ туйғусининг маъно кўламини қенг. Бу маънолар кўпинча уйғун бир тарзда ифода қилинган. Собик тузум адабиётида юзак, нотавон, беиба ошқик шеърияти ҳам вужудга қелди. Насрий асарларга ҳаёсиз эпизодлар қиритиш одат тусини олди. Бундай тасвирларга берилишининг сабаблари кўп. Ҳозирги ижодларда масалага ҳар хил қарашлар кўзга ташланади. Бир турқум иқтидорлар қандан шоирлар иймонга ҳос ҳисларни, илоҳий севгини, ҳаё билан йўғрилган дунёвий муҳаббатни кўпчилиққа манзур тарзда ақс эттираётир. Сўз санъатининг мантаний сирларидан беҳабар бир тоифа шоирлар сийқа ёзиш билан ёки айқилган фикрларни ўзгача кўринишларда ифода қиладилар билан оворадирлар. Шеърият деган номга даъвогар ўнлаб бошқа қофиябозлар эса беқарда, ибосиз кўшиқлар тўқишмоқда. Айниқса шу ҳол ёш авлоднинг маънавий савиясига жиддий ҳавф солмоқда. Бу қорада муайян тартиб-интизом, танқид, муҳофизат, назорат жоиздир. Яхшиланишнинг оқилона тадбирларини, усулларини топиш ва уларга умумий равишда амал қилиш миллий адабиёт ривожига фақат қойда қелтиради. Гап инсонни ҳақ йўлдан қалғитувчи талқинларнинг миллий дунёқарашимизга номувуфқилигидагина эмас. Умуминсоний идрок нуқтаи назаридан қараганда ҳам, тарбияни бузувчи, ёмон оқбатларга элтувчи ҳар қандай тасвир дарров сезилмайдиган ҳатардир. Маънавий тарбия жараёни бундан маълум оғоҳлиқни тақозо этади.

- Болалар адабиёти қамон талабларидан анча оққада. ўқитувчилар ва ота-оналар ёш ўқувчиларга тавсия этмок учун қитоб тополмай қолишади. Олдинги кўпчилиқ роман, қисса, ҳикоялар эскирди. Янгилари аҳён-аҳёнда қикади. Ёш авлоднинг бугунги маънавий эҳтиёжига қавоб бера оладиган, турли ёшдаги фарзандларимизга мўлжалланган, маъзулари ранг-баранг қитоблар қратиш миллий адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳудойберди Тўхтабоев ва яна бир неча носирларнинг аввал ёзилган нисбатан яхши қитобларини маълум тузатишлар билан қайта нашр этмок мумкин. Болалар шеърияти, насри, драматургиясини тараккий эттириш мақсадида муайян тадбирлар ишлаб қикиш қойдадан ҳоли эмас. Бу йўналишдаги адабий намуналарнинг қоп этилишини қенг йўлга қўйиш, нашрларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

- Мақтаб ҳамда Олий ўқув юртларида адабиёт ўқитилишини тубдан яхшилаш жоиз. Мақтаб дарслиқларининг баъзилари шоҳилинч ёзилган ва нашр сифати ҳам яхши эмас.



Айрим синфларда адабиёт дарслари халигача мажмуаларнинг ўзига таянилган ҳолда ўқитилмоқда. Дарсликлар кетма-кетлигида осондан мураккабга томон бориш тамойилига тўлиқ амал килинган деб бўлмайди. Ҳозирги кунда мактаб адабиёт дарсликларини янгилаш бўйича маълум тажрибалар ҳосил бўлди. Фикр-мулоҳазалар, тақлиф-хулосалар кўпайди. Мутахассис олимлар ва тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатларини инобатга олиб, намунали дарсликлар, қўлланмалар туркумини яратмок керак. Олий ўқув юр்தларининг бевосита адабиёт предметлари ўрганиладиган жабҳаларида мазкур муаммо янада жиддий. Филология факультетларида ўнга якин адабиёт фанлари ўқитилади. Аксарияти бўйича янги дарслик мутлақо йўқ. Ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги замон адабиёти, адабиётшуносликка кириш, адабиёт назарияси сингари фанларни ўқитишда бундан узок йиллар бурун ёзилган дарсликлардан фойдаланилмоқда. Мазкур ахвол тегишли вазирликлар, илмий муассасалар, Ёзувчилар Уюшмаси, етакчи Олий ўқув юр்தлари ҳамкорлигида ўрганилиши ва тузатилмоғи лозимдир.

- Катор ривожланган мамлакатларнинг барча ўқув юр்தларида ўз Ватанларининг тили, тарихи, адабиёти бирдек умумий ўрганилади. Бизда нофилологик факультетлар ва нопедагогик олий ўқув юр்தларида адабиёт деярли ўқитилмайди. Бу эса турли соҳалардаги мутахассисларнинг гоёвий-эстетик савияси ва нуткий маданияти гализлигига сабабкор ҳолатлардандир. Келажакда адабиётни барча ўқув юр்தларида қисман ўрганишни режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

- Ҳаётимизнинг турли жабҳаларида жаҳон микёсларига ва мезонларига мўлжалланиб фаолият килишнинг натижалари юзага чиқмоқда. Адабий жараёнда, хусусан, адабиёт илми ва адабий тарғиботда ҳам улкан вазифалар кўп. Жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти каби туркум китоблар, дарслик ва қўлланмалар яратмок эҳтиёжи бор. Ўзга халқларнинг ибратли замонавий адабиёт янгиликларини, ўзбек бадииятининг яхши намуналарини бошқа тилларга тартибли таржима килиш ишларини ривожлантириш керак. Адабий алоқалар бўйича турли халқаро маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, шунга мўлжалланган мутахассислар етиштириб чиқариш даврнинг долзарб талабларидандир. Шундай муаммоларни ҳал этиш янги авлодларимизнинг маънавий камолотига ёрдам беради.

Шарқона анъаналар билан етук умуминсоний кадриятлар уйғунлиги асосида янгиланиш адабиётимизнинг тўғри ва ўзини оклайдиган йўлидир. Макбул интилишларгина адабиётни юксалтиради ва унинг тарғиботи авлодлар маънавий комиллигига хизмат килади. Давримиз ижод аҳлидан, олимлар ва мураббийлардан чуқур идрок, ёркин ақл-заковат, шижоат ва катта салоҳиятни талаб этаётир. Истиклол аталмиш неъматнинг масъулияти шундай жиддий ва залворли бўлиши табиийдир.

«Мустақиллик ва ижтимоий тараккиёт». Илмий ишлар тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.



